

ISFAYRAM

Quvasoy shahar hokimligining gazetasi



isfayram.uz



isfayram



isfayram



isfayram@inbox.ru

“Янги ҳаёт учун Янги Ўзбекистон учун”

РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА
ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Мактаб- инсон ҳаётида ўзига хос ўрин эгалловчи, унинг билимли, тарбияли камол топишида пойдевор бўлиб хизмат қилувчи зиё маскандир. Бу ерда таълим-тарбия олиш учун қадам қўйган ҳар бир киши, энг аввало, ўзлигини англай бошлайди, аста-секин фанларнинг қизиқ, сеҳрли оламига қадам қўйиб, билимларни ўзлаштириш орқали бутун борлиқни тушуна боради. Шу жараёнлар натижаси улароқ ўз келажагини белгилайди.

Яхши ва сифатли таълим, айниса, бугунги кунда зарурий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Билимлар пойдеворини эса мактаб давридаёқ мустаҳкам қилиш лозим. Оддий мисол: жамиятда қайси бир мавега эга ёки илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда маълум даражага эришган инсон борки, унинг замирида мактаб таълимининг ўрни беқиёс аҳамиятга эга бўлганини такрор ва такрор таъкидлайди.

Қувасой шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим макта-

би учун янги 2024 йил қўшалок байрам бўлиб кириб келди. Сабаби, мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ментал арифметика бўйича Бухоро вилоятида ўтказилган Фузулий номидаги Республика очик чемпионатида иштирок этиб, олий ўрин, яъни фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб қайтдилар.

Шу муносабат билан мазкур таълим мактабда ўқувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб тадбирда ушбу жамоага чемпионатда иштирок этишлари учун ҳомийлик қилган Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутаты М.Меҳмоновга мактаб жамоаси ҳамда ота-оналар номидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилганларга мактаб ўқувчиларининг бадий чиқишлари, гўзал рақслари намойиш этилди.

Сўз олганлар бугунги кунда таълим тизимидаги ёшларга яратилаётган имкониятлар, шарт - шароитлар хусусида фикр билдириш билан бирга ва уларни галаба билан табрикладилар.

Ота-оналар мактаб жамоасини маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда асосий мақсадимиз бўлган ёшларга сифатли таълим бериш учун ҳам-



корликда ишлаш натижасини бу ерда кўриб турибмиз, - деди Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати М.Меҳмонов.

Бундан кейин ҳам кириб келган янги 2024 йилда ҳам мана шу ишларни кенгроқ амалга ошириб, бу каби олимпиадалар, нафақат олимпиада, балки шу ерда таълим олаётган барча ўқувчиларимизни ҳам олган билимлари сифатли ва улар келажақда яхши инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун ҳаммамиз мақсад қилиб келишиб олдик, - деди.

Шундан сўнг Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати М.Меҳмонов барча ғолибларга диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Албатта, бундай имконият ва қўллаб-қувватлаш натижасида келажақда мактабда иқтидорли ёшлар сони ортишига шак-шубҳа йўқ.

Шоирахон АБДУЖАЛИЛОВА,
Қувасой шаҳар 25-умумий ўрта таълим мактаби
директори.

ҚУВАСОЙДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА
САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Қувасой шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида Қувасойда таълим сифати ва самарадорлиги таҳлиliga бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Алишер Мамажонов, Нигорахон Убайдуллаева, шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Элдор Қўзиев иштирок этдилар.

Тегишли ҳуқуқ - тартибот идоралари ходимлари, шаҳардаги 29 та умумтаълим мактаблари директорлари, уларнинг маънавий - маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, мактаб психологлари ва ҳамширалари жалб этилган тадбирда шаҳарда

таълим сифатини янада ошириш, ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Муҳокамалар сўнггида жорий йилда белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратилди ва мутасаддиларга зарур курсатма ва топшириқлар берилди.

Дилоромхон АБДУЛЛАЕВА,
Қувасой шаҳар 27-умумий ўрта таълим мактаби
директори.



МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП

Юртбошимиз раислигида 2023 йил 22 декабрь кунини ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида халқимиз маънавиятини юксалтириш, маданий-маърифий соҳалардаги ишларни янада жонлантириш юзасидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган “Янги ҳаёт учун Янги Ўзбекистон учун” шоири остида “Маҳаллада дув-дув гап” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлари республикамиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Шу жумладан бизнинг Қувасой шаҳридаги Аҳборот кутубхона марказида ҳам ташкил этилди. Унда ҳудуддаги А.Навоий ҳамда Чўлпон номи МФИлари ҳамкорлигида “Маҳаллада дув-дув гап” деб номлаган маънавий-маърифий, маданий -муסיкий тадбири кенг нишонланди. Тадбирда шаҳар ҳокими ўринбосари А.Мамажонов, шаҳар Мудобаа ишлари бўлими бошлиғи А.Муродов, “Ислом” жоме масжиди имом хатиби О.Абиджонов, шаҳар маънавият тарғиботчиси Т.Уринбоев, А.Навоий номи ҳамда Чўлпон номи МФИ нуронийлари,

ёшлар, шунингдек тадбирга таклиф этилган бир гуруҳ ҳарбийлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Дастлаб тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг тадбирда сўз олганлар юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, зғу ишлар, соҳалардаги ўзгариш ва янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар ва қилиниши керак бўлган масалалар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Тадбирда викторина ўйинлари, шаҳар маданият уйи санъаткорлари томонидан дилрабо куй-қўшиқлар ҳамда “Шодлик” болалар ансамбли томонидан ижро этилган рақслари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

“Н” ҳарбий қисм, шаҳардаги 1-умий ўрта таълим мактаби ҳамда Ихти-сослашган мактаб ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинлари ўтказилди. Тадбир якунида ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гўзал МУРОДОВА,
“Исфайрам” газетаси
махсус мухбири.

НУРОНИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ ТАДБИРИ

«УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ» БИЛАН ДАВОМ ЭТДИ



Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш устувор масалалардан бирига айланган. Ушбу йўналишда Қувасой шаҳрида ҳам салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

Шаҳарда 11 минг 600 нафардан кўпроқ нуронийлар бўлиб, Президентимизнинг тегишли қарорлари ижроси доирасида уларга мунтазам эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатиб келинмоқда.

Шаҳардаги “Дўстлик” тантаналар мажмуасида ўтган тадбир ҳам ана шулардан бири бўлди. Унда шаҳар ҳокими ўринбосари Алишер Мамажонов ҳамда мутасадди раҳбарлар иштирок этдилар.

Шаҳардаги ибратли оила соҳиблари, нуроний отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари ҳамда ёш авлод вакиллари таклиф этилган тадбирда сўз олганлар томонидан ажодлардан мерос бўлиб келаётган зғу қадрият ва анъаналар, ўзаро меҳр-оқибат тушунчалари

бугунги кунда ҳам юксак қадр-қимматга эга эканлиги таъкидланди.

Юрт тараққиети йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга ибрат ва ўрнатқилиб кўрсатиш, келажагимиз вори-сларида ҳаётий билим ва сабоқларни янада ошириш мақсадида нуронийларга эҳтиром тадбири уч авлод учрашуви билан давом этди. Элга тинчлик, ёшларга камол тилаб дуолар қилинди.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар эса даврага кўтаринки кайфият бағишлади.

Шухратжон ДАДАБОВЕВ,
Қувасой шаҳар Нуронийлар
Кенгаши раиси.

Суратлар муаллифи:
Озодбек РАИМОВ.

БАРКАМОЛ АВЛОД-БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Озод Ватанда яшаш бахти жуда тотли, аммо бу неъматни асраб авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Агар ҳар биримиз дилимизда “Мен ҳалқимга, Ватанимга нима бера олдим?” деган олий мақсад билан яшасак, ёшларимизни тарбия қилсак билинки, бу бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Ана шу мақсадда барча таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламларида ҳарбий хизматчилар ва фахрийларимизни жалб этган ҳолда, ҳарбий-ва-танпарварлик йўналишидаги учрашувлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, булғуси аскарларимизни онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, уларнинг қалбига Ватан туйғусини шакллантириш ҳамда уларни маънан ва жисмонан чиқаришдан иборатдир.

Жорий йилнинг 13 январь куни Қувасой шаҳар Мактабгача ва мактаб таълим бўлими тасаруфидоғида 15-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг 32-йиллиги муносабати билан 14-январь Ватан ҳимоячилар кунига бағишланган «Мард ўғлонлар» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкилланди.

Ушбу тадбирга шахримиздаги ДХХ Чегара қўшинларига қарашли 9229-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари, Найман маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Қўзиев, ҳудуд ёшлар етакчиси Ш.Султонов, маҳалла фаоли, нурунийлар жамғармаси аъзоси А.Якубов, ҳудудда яшовчи заҳирадаги ҳарбийлар М.Бўрқашев, Д.Эргашев, Д.Қўзиевлар ҳамда ОАВ вакиллари тақдиф этилди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янгради. Тадбир очилишида сўзга чиққан ДХХ Чегара қўшинларига қарашли 9229-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, майор Б.Расулджанов бугун юртимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларига шароит яратишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, ҳамма иштирокчиларига

муваффақиятлар тилади.

Тадбирда 15-умумий ўрта таълим мактабидаги 9“А”-синф ўқувчиларининг “Ёш гвардия” гуруҳи, 9“Б”-синфнинг “Ватанпарвар”, 10 “А”-синфнинг “Темурбеклар”, 10“Б”-синфнинг “Посбонлар”, 11“А”-синфнинг “Миллий гвардия” ҳамда 11 “Б”-синф ўқувчиларининг “Миллий гвардия” гуруҳлари 6 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

1-шарт бўйича гуруҳ аъзоларининг саф тайёргарлиги ва сафда қўшиқ билан юриш, альбомлар кўриги, шунингдек, махсус кийимлари текширилди ва баҳоланди. 2-шарт бўйича ҳар бир гуруҳнинг 3 тадан аъзолари турникда тортиниш машқлари бажардилар. 3-шарт бўйича тош кўтариш, 4-шартда куч синаш, сўнгги шартлар бўйича гуруҳлар ўртасида аркон тортиш, “Эркин мавзу” шартлари бўйича Чегара ҳудудидан ноқонуний товар-моддий бойликларини олиб ўтишга қаратилган саҳна кўринишлари, шунингдек, кўргазмалар қўл жанги машқлари намойиш этилди.

Тадбир давомида 15-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари томонидан куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди.



Тадбир сўнгида Ҳайъат аъзолари томонидан 11 “А”-синф ўқувчиларининг “Миллий гвардия” гуруҳи ғолиб деб топилди, ғолиб ва фаол иштирокчилар мактаб директори А. Юнусов ҳамда Қувасой шаҳрида жойлашган ДХХ Чегара қўшинларига қарашли 9229-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, майор Б.Расулджанов томонидан “Фахрий ёрлик” ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ғулибарно НАБИЕВА,
Қувасой шаҳардаги
15-умумий ўрта таълим
мактабининг ММИБДҲ.
Гўзал МУРОДОВА,
“Исфайрам” газетаси
махсус мухбири.

«SOG‘LOM DAVLAT XIZMATCHISI» SHIORI OSTIDA TADBIRLAR TASHKIL ETILMOQDA



Ma'lumki viloyat Sog'liqni saqlash boshqarmasi bilan hamkorlikda viloyatdagi barcha boshqarma va tashkilotlar hamda tuman (shahar) hokimliklarida faoliyat yuritayotgan davlat xizmatchilari tibbiy ko'rikdan o'tkazilmoqda.

Xususan, Quvasoy shahrida ham «Sog'lom davlat xizmatchisi» shiori ostida davlat fuqarolik xizmatchilarini chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazish jarayonlari amalga oshirilmoqda.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

ХОДИМ ИШДАН БЎШАЁТГАНДА У БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛМАСЛИК БУ ҚОНУНБУЗАРЛИК

Иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширмаслиги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан жавобгарликка сабаб бўлади.

Ишдан бўшаётганда ходимга қандай пуллар тўлаб берилиши керак?

Кўпчилик ходимлар “ишдан бўшаётганда менга ишхона томонидан пул тўлаб берилиши керакми?” деган саволлар билан бизга мурожаат қилишди. Меҳнат кодексига ходим ишдан бўшаётганда унга ходимнинг иш фаолияти билан боғлиқ тўловларни тўлаб бериш белгилаб қўйилган. Меҳнат кодексининг 172-моддасига асосан Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Ҳисоб-китоб ходимга:

- охиригача олинмаган иш ҳақини;
- ходим томонидан фойдаланилмаган барча асосий ва қўшимча таътиллار учун компенсациялари;
- агар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёхуд меҳнат шартномасида бошқа тўловларни тўлаш назарда тутилган бўлса, ушбу тўловларни тўлашни ўз ичига олиниши белгиланган.

Яъни, ходим ишдан бўшаётганда иш берувчи томонидан унга юқоридаги 3 турдаги пуллар тўлаб берилиши керак.

Бу пуллар қачон тўланиши керак?

Иш берувчи томонидан ходимга тегишли бўлган барча суммаларни тўлаш ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда амалга оширилади.

Ўзи билан меҳнат шартномаси бекор қилин-



ган ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейинги даврда бирор-бир тўловлар (ой, чорак, йил якунлари бўйича мукофотлар) ҳисобланган тақдирда, ушбу тўловлар ходим томонидан тегишли талаб қилинганидан кейин уч кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Хуршидбек БЕКМИРЗАЕВ,
Қувасой шаҳар адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти.

FARGONA VILOYATI QUVASOY SHAHAR HOKIMI QARORI

2024-yil 16-yanvar

16-11-167-Q/24

Quvasoy shahar hokimligi

QUVASOY SHAHRIDA JISMONIY VA YURIDIK SHAXSLARGA TEGISHLI BO'LGAN TRANSPORT VOSITALARINI 2024-YILDA MAJBURIY TEXNIK KO'RIK DAN O'TKAZISH HAQIDA

O'zbekiston Respublikasining “Yo'l harakati xavfsizligi to'g'risida”gi qonuniga (O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2013-y 15-son, 197-modda), O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida” 2017-yil 11-iyuldagi PQ-3127-son qaroriga, Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 9-martdagi “Transport vositalarini majburiy texnik ko'rikdan o'tkazish tartibini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi 125-son (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.03.2021-y., 09/21/125/0195-son), qarorlariga hamda Quvasoy shahar IIB YHXGning 2023-yil 12-dekabrda 1791-sonli xatiga muvofiq, shaharda transport vositalarini 2024-yilda majburiy texnik ko'rikdan o'tkazish samaradorligini oshirishni ta'minlash maqsadida,

QAROR QILAMAN:

1. Quvasoy shahar IIB YHXGning 2023-yil 12-dekabrda 1791-sonli xatiga muvofiq, shaharda transport vositalarini 2024-yilda majburiy texnik ko'rikdan o'tkazish muddatlari, jismoniy shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalari 2024-yilning yanvar oyidan 31-avgustga qadar, yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalari 1-martdan – 30-iyungacha qadar texnik ko'rikdan o'tkazilishini nazorat qilish vazifasi topshirilsin.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 11-iyuldagi “Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-3127-son qaroriga ko'ra 2018-yil 1-yanvardan boshlab, O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Davlat yo'l harakati xavfsizligi xizmati bo'linmalarining jismoniy shaxslarga tegishli yengil avtotransport vositalarini, yuk, yo'lovchi va maxsus transport vositalari bundan mustasno, majburiy texnik ko'rikdan o'tkazish bo'yicha funksiyalarini yuridik shaxslar - tadbirkorlik subektlariga ular ko'rsatadigan xizmatlar uchun qat'iy narxlar hamda ichki ishlar organlari bilan o'zaro hamkorlikka oid talablarni belgilagan holda bosqichma-bosqich o'tkazish nazarda tutilganligi ma'lumot uchun qabul qilinisin.

3. Quvasoy shahrida jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalarini 2024-yilda texnik ko'rikdan o'tkazish bo'yicha komissiya tarkibi 1-ilovaga muvofiq, jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalarining texnik ko'rikdan o'tishning 1-bosqich jadvali 2-ilovaga muvofiq, yuridik shaxslarga qarashli bo'lgan transport vositalarining texnik ko'rikdan o'tishning 2-bosqich jadvali 3-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
4. Tijorat asosida yo'lovchilar tashish uchun foydalaniladigan yengil avtomobillar, avtobuslar va o'tiriladigan joylar soni 8 ta va undan ortiq bo'lgan (haydovchining o'rnidan tashqari), odamlarni muntazam tashish uchun jihozlangan yuk avtomobillari, yirik gabaritli, og'ir vaznli va xavfli yuklarni tashish uchun maxsus transport vositalari va ularga tirkamalar - bir yilda ikki marta, birinchi marta 1 martdan - 30 iyungacha, ikkinchi marta 1-oktabrdan – 31-oktabrgacha texnik ko'rikdan o'tkazilsin.
5. Shahar Ichki ishlar bo'limi (B.Abdullayev) ga shahar hududida jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalarini 2024-yilda majburiy texnik ko'rikdan o'tkazish muddatlari, jismoniy shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalari 2024-yilning yanvar oyidan 31-avgustga qadar, yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan transport vositalari 1-martdan – 30-iyungacha qadar texnik ko'rikdan o'tkazilishini nazorat qilish vazifasi topshirilsin.
6. Komissiya a'zolarining o'rtacha oylik ish haqlari saqlangan holda yo'l harakati xavfsizligi guruhi o'z vaqtida kelishlarini ta'minlash, sohaga oid malakali mutaxassislar ajratib berish korxona, tashkilot va muassasa rahbarlari zimmasiga yuklatilsin.
7. Mazkur qaror “Isfayram” ro'znomasida rasmiy e'lon qilinsin hamda shahar hokimligining veb-saytiga joylashtirilsin.
8. Belgilansinki, ushbu qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.
9. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish shahar hokimining o'rinbosari Sh. Tursunbayev zimmasiga yuklansin.

Shahar hokimi

Z.To'raikulov

ОИЛАДАГИ ЗЎРОВОНЛИК

Оилада таъйик ўтказилиши ва зўравонлик содир этилишини олдини олиш муаммолари юзасидан жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг раиси А.Шералиев 2023 йил 9 декабрь куни Қувасой шаҳар Ахборот кутубхона маркази биносига аҳоли ва муросасиз оилалар иштирокида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини оиладаги зўравонликдан ҳимоя қиладиган ҳамда унинг олдини олиш ва тугатишга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тартибга соладиган бир қатор қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинганини таъкидлаб ўтди. Улар асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

- Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига қасд қилиш энг оғир жиноятдир.
- Аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар.

Оила кодекси оила ва қариндошлик муносабатлари доирасини белгилаб беради. Унинг нормалари асосида оила ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимояси ва муҳофазасининг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган, эр-хотин, ота-она ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш қоидалари тартибга солинади ҳамда ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар белгилаб берилган.

Аёллар деярли барча давлатлар аҳолисининг яримдан кўпини ташкил қилади, шунинг учун аҳоли ярмининг ҳуқуқлари поймол қилинганда, амалда демократияга асосланган жамият тўғрисида гапириш қийин. Аёллар устидан зўравонлик муаммоси давлатдаги носоғлом ижтимоий-маънавий муҳит ва янги ижтимоий муносабатларни яратишдаги қолоқликдан далолат беради. Гарчи инсонга нисбатан барча турдаги зўравонлик ва камситишларни бартараф этиш тақозо этилсада, аёлларга нисбатан зўравонлик алоҳида аҳамиятга муҳтож, чунки бу ҳолат бутун жамиятга тегишлидир.

Оиладаги зўравонликдан жабрланганларни ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чоралари ҳар доим ҳам самарали эмас ва уларни суд органлари, прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан қўллаш амалиёти жабрланувчиларнинг одил судловдан фойдаланишини таъминлай олмайди.

Ҳуқуқнинг турли тармоқ нормалари бир-биридан алоҳида амалга оширилмоқда, масалан, жинсий-ҳуқуқий норма-лар жабрланувчини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий чоралари билан бир-га қўлланилмайди, гарчи кўпинча улар биргаликда самаралироқ бўлсада. Жа-брланувчини ҳимоя қилишнинг ноюри-дик воситаларидан: психологлар, ижти-моий ва тиббиёт ходимлари ёрдами-дан фойдаланилмайди. Тармоқлараро ёнда-шувнинг йўқлиги натижасида оиладаги зўравонлик муаммосининг ечимига зар-рар етади.

Оиладаги зўравонлик - бу оила аъ-золарига жисмоний ёки руҳий зарар ет-казиши мумкин бўлган ёки етказадиган, жинс хусусиятига кўра содир этилган зўравонлик акти ёки оилада, шахсий ҳаё-тда учрайдиган озодликдан ўзбошим-чалик билан махрум қилиш ёки унга мажбурлаш таҳдиди. Оиладаги зўравон-лик бу оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан қасддан содир этилган ҳаракатдир. Бунда зўравонликка учраган оила аъзосининг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилиниб, унга руҳий ёки жисмоний зарар еткази-лади. Бундан ташқари, зўравонлик ои-ланинг вояга етмаган аъзосига нисбатан содир этилган бўлса, унинг жисмоний ёки руҳий ривожланишига зарар етади. Оиладаги зўравонлик объекти бўлиб ои-ланинг ҳар бир аъзоси - эр-хотин, бола-лар, қария ота-оналар бўлиши мумкин, шунинг учун оиладаги шавқтасизлик-нинг уч тури алоҳида кўрсатилади.

Қонунларда келтирилган яна шун-дай янги ҳолатлардан бири бу халқаро андозаларнинг риюа этилишига асо-сланган ва зўравонликдан жабр кўрган оила аъзоларини ҳимоя қиладиган ме-ханизмларни яратишдир. Улар жумла-сида тезкор имтимоий ёрдам соҳасида оиладаги зўравонликнинг олдини олиш-ни қиратамиз. Бунда оила аъзосининг ҳаёти ва соғлиги учун бевосита хавф туғилганда бу хавфни бартараф этиш учун ҳамда кечиктириб бўлмайдиган ҳо-латларда оила аъзосининг хавфсизлиги-ни таъминлаш учун тегишли хизматлар томонидан ёрдам кўрсатилади.

Авазбек ШЕРАЛИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Қувасой шаҳар судининг
раиси.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Профилактика инспекторига қўйилган талаб битта-Жиноятнинг олди олиниб, маҳалла тинч бўлиши, одамлар хавфсиз яшаши, бугунги ҳаётдан рози бўлиши.

2024 йилнинг 11 январ куни Қувасой шаҳар 1-ИДУМ да Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2012 йил 6 сентябрдаги "Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинида эшитиш тартиби тўғрисидаги нозомни тасдиқлаш ҳақида"ги 193-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги

фаолларига хулоса тузиб берилди ва уларга моддий, ижтимоий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда 20 нафар фуқаронинг муаммолари маҳалла бешлиги билан ҳамкорликда ҳал этилиб, қўшма хулосалар тузилди.

Маҳалла бешлиги билан ҳамкорликда бир қанча профилактик тадбирлар ўтказилди, жумладан, кўчаларга кириш ва чиқиш жойларида жами 20 та видеокузатув камералари ўрнатилди. Худудда яшовчи 59 нафар ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ундан жабрланиш эҳтимоли юқори

юзасидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди ҳамда 30 нафар шахсга нисбатан маъмурий қamoқ билан боғлиқ жазо тайинлаши таъминланди.

20 нафар илгари судланган шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди, 3 нафар илгари судланган шахс доимий равишда ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун уларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди. Маҳаллада яшовчи тажавускор руҳий касаллар, спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар вилеят Наркология диспансерига мажбурий давола-нишга жойлаштирилди. 5 нафар Пробация назоратида турган шахслар яшаш жойидан текширилди, шундан 2 нафари белгиланган чекловларни бузганлиги учун ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Пробация инспекторларига берилди. 14 нафар "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари билан ҳамкорликда бириктирилган маҳалла худудида жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жиноятчиликни олдини олиш, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат,



Х.Олимжон номли маҳалла фуқаролар йиғини худуди профилактик инспектори А.Холмирзаевнинг ҳисоботи эшитилди.

Ҳисоботда шаҳар ҳокими ўринбосари А.Мамажонов, шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари З. Холматов, худуд аҳолиси ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан 2023 йилнинг 30 март кунидан хавфсиз маҳалла яратиш бўйича жаҳон тажрибасида учрамайдиган ноёб тизим, яъни маҳалла бешлигининг ўзига хос ҳамкорлиги яратилиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жорий этилди.

Ўз ҳисоботи давомида Х.Олимжон номли МФЙ худуд инспектори Алижон Холмирзаев илгари маҳаллада жиноятчиликни олдини олиш юзасидан маҳалла билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган эди ва ҳамкорлик бўйича унинг ҳуқуқий асоси йўқ эди. Эндиликда ушбу тизим маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолининг узвий ҳамкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, халқ манфаатлари йўлида барчамиз биргаликда хизмат қилиб келмоқдамиз, - деди.

Жорий этилган янги тизим қисқа муддатда ўзининг ижобий самарасини беришни бошлади. Хусусан, худудда 59 нафар ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар аниқланиб, маҳалла

бўлган шахслар бўйича хулосалар тузилди. 3 та низоли оималар яраштирилди, 17 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди, 9 нафар фуқарога субсидия ажратилди. Маҳаллада жойлашган 29-сонли умумий ўрта таълим мактабида 20 маротаба "Давомат" тадбирлари ўтказилди. Тадбир давомида 4 нафар дарс машғулотларига мунтазам қатнашмасдан келаётган ўқувчилар аниқланиб, уларнинг сабаблари ўрганилди, 2 нафар вояга етмаган ўқувчининг ота-онасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида 5 маротаба Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шавқатсизлик гояларидан ҳимоялашга йўналтирилган йиғилиш ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, 205 нафар фуқаролар томонидан йўлланган муножаатлар кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди.

Маҳалла худудида таъриқ ва зўравонликка учраган 2 нафар хотин-қизларга "ҳимоя ордер"лари расмийлаштириб берилди ва назоратга олинди.

Маҳалла худудида содир этилган 315 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, жазо муқаррарлиги таъминланди. Шундан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаларига асосан содир этилган жиноятлар

миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шавқатсизлик гояларидан ҳимоялашга йўналтирилган йиғилишлар худуддаги мактабларда, корхона ва ташилотларда ўтказилди.

Бироқ маҳалла вакиллари билан олиб борилган ижобий ишларга қарамадсан, ўтган давр мобайнида маҳалла худудида 5 та ўғирлик ва 6 та тан жароҳати билан боғлиқ, 2 та безорилик, жиноятлар содир этилишига йўл қўйилди. Ушбу жиноятлар бўйича маҳаллада аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинди.

Бугунги кунда маҳалла "Қизил" тоифага киритилган.

Худуд профилактика инспектори А. Холмирзаев ўзига хулоса чиқарган ҳолда 2024 йил давомида маҳалла худудида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга, жиноят содир этилмаслигига, фуқароларни хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш борасида бор куч маҳоратини сафарбар этган ҳолда маҳалла фаоллари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни жадаллаштириб, сидқидилдан хизмат қилишини билдирди.

Ҳисобот сўнгида худуд профилактика инспектори А.Холмирзаевга аҳоли томонидан берилган савол ва таклифлар атрофлича муҳокама қилинди.

Х.АЛИЖОНОВ,
Қувасой шаҳар ИИБ
ТҚКГ ходими.
Г.МУРОДОВА.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ: ҲАРАЖАТ ВА ДАРОМАД

Қувасой шаҳар маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3 чорақда аниқланган даромадлар режаси 19749,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда даромад тушуми 21 251,5 млн.сўмга бажарилиб, режага нисбатан 1502,3 млн.сўмга кўп ёки 108,0 фоизга ортиги билан бажарилишига эришилди.

Қувасой шаҳар маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3-чорақда аниқланган ҳаражатлар режаси 149 млрд. 547,0 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 142 млрд.435,6 млн.сўмга бажарилиб, 2023 йил 3-чорақ учун амалда белгиланган ҳаражатлар режаси 7 млрд.169,3 млн.сўмга кам ёки 92,9 фоизга бажарилди. Жумладан:

- **Қишлоқ ва сую ҳўжалиги вазирлиги бўйича ҳаражатлар режаси** 1 млрд. 919,7млн.сўмни ташкил этиб, амалда 1 млрд. 906,2 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 13,5 млн.сўмга кам ёки 99,3 фоизга бажарилди.

- **Ободонлаштириш бўйича ҳаражатлар режаси** 10 млрд. 323,9 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 7 млрд. 133,5 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 3 млрд. 190,4 млн.сўмга кам ёки 69,1 фоизга бажарилди.

- **Ветеринария бўйича ҳаражатлари режаси** 542,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда ҳаражатлар режаси 541,4 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 0,8 млн.сўмга кам ёки 99,8 фоизга бажарилди.

- **Маориф бўйича ҳаражатлар режаси** 13 млрд. 101,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 11 млрд.560,6 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 1 млрд. 540,9 млн.сўмга кам ёки 88,2 фоизга бажарилди. Жумладан,

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 1 млрд. 635,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 1 млрд. 577,6 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 57,9 млн.сўмга кам ёки 96,5 фоизга бажарилди.

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 380,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 369,8 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 10,7 млн.сўмга кам ёки 97,2 фоизга бажарилди.

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 11 млрд. 085,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 9 млрд. 613,2 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 1 млрд. 472,3 млн.сўмга кам ёки 86,7 фоизга бажарилган. Шундан:

- **42 20 000 Коммунал тўловлар ҳаражатлари режаси** 1 млрд 700,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 1 млрд 695,4 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 99,7 фоизга бажарилди.

- **42 30 000 Сақлаш ва жорий таъмирлаш ҳаражатлар режаси** 311,1 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 107,2 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 34,6 фоизга бажарилди. Булар дестанция ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **42 50 000 товар-моддий захиралари ҳаражатлари режаси** 1 млрд. 986,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 1 млрд. 109,3 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 55,9 фоизга бажарилди. Булар ичида мактабларга ҳўжалик моллари, спорт анжонлари, кийим - кечак, дори-дармон, ёқилғи ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **42 90 000 бошқа ҳаражат ва товар хизматлар ҳаражатлар режаси** 5 млрд. 432,8 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 5 млрд. 139,6 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 94,6 фоизга бажарилди. Булар алоқа, интернет, хизмат кўрсатиш, обуна ҳаражатлари, кўриқлаш, Давлат хусусий шериклик асосидаги ҳаражатлар, ёнғинга қарши курашиш ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **43 50 000 асосий воситалар сотиб олиш ҳаражатлари режаси** 834,6 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 805,7 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 96,5 фоизга бажарилди. Булар кўёш панели, китоб сотиб олиш, мебел жиҳозлари сотиб олиш ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **Мақтабгача таълим бўйича ҳаражатлар режаси** 9 млрд.427,4 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 8 млрд.771,3 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 656,0 млн.сўмга кам ёки 93,0 фоизга бажарилди. Жумладан,

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 257,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 257,2 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 100,0 фоизга бажарилган.

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 68,4 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 68,4 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 100,0 фоизга бажарилган.

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 9 млрд. 101,8 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 8 млрд. 445,7 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 92,8 фоизга бажарилган. Шундан:

- **42 20 000 Коммунал тўловлар ҳаражатлар режаси** 973,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 894,6 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 91,9 фоизга бажарилди.

- **42 30 000 Сақлаш ва жорий таъмирлаш ҳаражатлар режаси** 259,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 256,7 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 99,0 фоизга бажарилди. Булар, дестанция хизматлари ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **42 50 000 товар моддий захиралари ҳаражатлари режаси** 3 млрд 561,8 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 3 млрд 223,5 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 90,5 фоизга бажарилди. Булар ичида ҳўжалик моллари, озиқ-овқат, дори-дармон кийим-кечак, ёқилғи ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **42 90 000 бошқа ҳаражат ва товар хизматлар ҳаражатлар режаси** 278,9 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 278,9 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 100,0 фоизга бажарилди. Булар алоқа, интернет, хизмат кўрсатиш, обуна ҳаражатлари, кўриқлаш, ёнғинга қарши курашиш ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **43 50 000 асосий воситалар сотиб олиш ҳаражатлари режаси** 552,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 522,1 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 94,5 фоизга бажарилди. Булар кўёш панели, китоб сотиб олиш, компьютер, принтер, мебел жиҳозлари сотиб олиш ҳаражатлари кўзда тутилган.

- **Маданият ва спорт ҳаражатлари режаси** 7 млрд. 975,6 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 7 млрд. 756,6 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 219,1 млн.сўмга кам ёки 97,3 фоизга бажарилди. Жумладан:

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 29 млрд. 716,6 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 29 млрд. 524,5 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 99,4 фоизга бажарилган.

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 7 млрд. 061,1 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 7 млрд. 048,9 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 99,8 фоизга бажарилган.

- **И-ғуруҳ ҳаражатлар бўйича ҳаражатлар режаси** 8 млрд 209,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 7 млрд 713,9 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 94,0 фоизга бажарилган. Шундан:

- **42 20 000 Коммунал тўловлар ҳаражатлар режаси** 987,3 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 847,1 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 85,8 фоизга бажарилди.

- **42 52 400 дори-дармон сотиб олиш ҳаражатлари режаси** 2 млрд. 092,5 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 1 млрд. 855,8 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 88,7 фоизга бажарилди. Булар ичида Дори воситалари, Тиббий бўюмлар, Тиббий ускуна ва жиҳозлар учун реагентлар ва реактивлар, Дезинфекцияловчи ва шахсий ҳимоя воситалари, имтиёзли дорилар кўзда тутилган.

- **42 52 300 озиқ-овқат сотиб олиш ҳаражатлари режаси** 709,8 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 709,7 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 100,0 фоизга бажарилди.

- **42 90 000 бошқа ҳаражат ва товар хизматлар режаси** 1 180,4 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 1 млрд. 066,4 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 90,3 фоизга бажарилди. Булар алоқа,



интернет, хизмат кўрсатиш ҳаражатлари, Давлат хусусий шериклик асосидаги ҳаражатлари, кўзда тутилган.

- Давлат бошқарув идораларини сақлаш ва Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш идораларини сақлаш ҳаражатлар режаси 33 млрд.181,3 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 32 млрд. 619,5 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 561,7 млн.сўмга кам ёки 98,3 фоизга бажарилди.

- Шаҳардаги кам таъминланган оималарга ижтимоий нафақа маблағлари учун (Бунда 14-ёшгача ва моддий ёрдам пуллари) жами ҳаражатлар режаси 19 млрд.877,6 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 19 млрд. 857,8 млн.сўмга бажарилиб, белгиланган ҳаражатлар режаси 19,7 млн.сўмга кам ёки 99,9 фоизга бажарилди. Ҳозирги кунда 3848 нафар фуқаролар нафақа олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йилнинг 18 мартдан 7 апрелга қадар «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг 2023 йил 1 мавсуми ўтказилди.

Мазкур тадбирлар учун Қувасой шаҳар "Фуқаролар ташаббуси жағфармаси"дан 4 832,0 млн.сўм маблағлар йўналтирилди.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг натижаларига кўра шаҳар бўйича амалга ошириш қиймати шақланган маблағ доирасида амалга ошириш қиймати 4 800,0 млн.сўм 4 та "Энг кўп" овоз тўплаган (шундан: 1 та қурилиш-таъмирлаш ва 3 та жиҳозлаш)лойиҳалар ғолиб деб топилди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари бўйича амалга ошириш қиймати 1 млрд.200 млн.сўмлик 1 та лойиҳа ғолиб деб топилган ва 1 млрд. 200 млн.сўм маблағ ажратилган. Мазкур маблағлар доирасида 560,5 млн.сўмлик мебел ва офис жиҳозлари 370,0 (шаҳар Оилавий поликлиникасининг моддий- техник базасини яхшилаш ва тиббий жиҳозлар сотиб олиш учун 1 200,0 млн.сўмлик);

Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари бўйича амалга ошириш қиймати 3 600,0 млн.сўмлик 3 та лойиҳа:

1-умумталим мактабининг моддий- техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 200,0 млн.сўмлик 7123 та овоз билан;

29-умумталим мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 1 200,0 млн.сўмлик 6923 та овоз билан;

2-умумталим мактабининг моддий- техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 200,0 млн.сўмлик 5712 та овоз билан ғолиб деб топилди.

Бундан ташқари, 2 000 тадан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 12 648,0 млн.сўмлик 12 та таклиф ташаббусли бюджет жараёнида фаол иштирок этди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги "Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-117-сонли қарорига асосан ушбу таклифлар учун қўшимча ажратилаётган маблағ 2023 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида режалаштирилган маблағлар ҳисобидан йўналтирилди.

Қўшимча равишда ажратилган лойиҳалар ҳисобига 12 648,0 млн.сўмлик 12 та лойиҳа:

Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари бўйича амалга ошириш қиймати 1 868,0 млн.сўмлик 2 та лойиҳа;

Валик МФЙ 3-сонли оилавий поликлиникасининг моддий- техник базасини яхшилаш ва тиббий жиҳозлар сотиб олиш учун 1 200,0 млн.сўмлик 2512 та овоз билан,

Шаҳар тез-тиббий ёрдам марказининг моддий- техник базасини яхшилаш ва тиббий жиҳозлар сотиб олиш учун 668,0 млн.сўмлик 3923 таовоз билан);

Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари бўйича амалга ошириш қиймати 4 800,0 млн.сўмлик 4 та лойиҳа:

22-умумталим мактабининг моддий- техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 200,0 млн.сўмлик 2574 та овоз билан;

10-умумталим мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 1 200,0 млн.сўмлик 2148 та овоз билан;

11-умумталим мактабининг моддий- техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 200,0 млн.сўмлик 2032 та овоз билан;

12-умумталим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 200,0 млн.сўмлик 2015 та овоз билан;

Ички йўллارни (пйедалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар бўйича амалга ошириш қиймати 1 200,0 млн.сўмлик 1 та лойиҳа:

Кўчқорчи МФЙ «Оптин водий» кўчаси 875 метр, Замондош кўчаси 850 метр, Оқ йўл кўчасини 400 метр, «Заковат» кўчасини 200 метр қисмини асфальтлаштириш 1 200,0 млн.сўмлик 3843 та овоз билан;

Мақтабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари бўйича амалга ошириш қиймати 4 000,0 млн.сўмлик 4 та лойиҳа:

12- ДМТТда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 1 200,0 млн.сўмлик 2976 та овоз билан;

22- ДМТТда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 600,0 млн.сўмлик 2404 та овоз билан;

27- ДМТТда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 1 100,0 млн.сўмлик 2034 та овоз билан;

19 -ДМТТда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 1 100,0 млн.сўмлик 2025 та овоз билан;

Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектлар) ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ ҳаражатлар бўйича амалга ошириш қиймати 780,0 млн.сўмлик 1 та лойиҳа:

Гулистон МФЙ идорасини таъмирлаш, иситиш тизимини ташкиллаш ҳамда атрофини ўраш учун 780,0 млн.сўмлик 2101 та овоз билан «ФОЛИБ» деб топилган.

ҒУЛОМЖОН ОТА ЛИМОНЛАРИ ҚУВАСОЙЛИКЛАР ДАСТУРХОНИНИ БЕЗАЙДИ



Ғуломжон ота лимонлари байрам кунлари бозор расталарини безади. Қувасой шаҳрининг “Янгиобод” МФИда истиқомат қилувчи салкам 80 ёшли Ғуломжон ота Фатхудинов миришкор боғбон сифатида танилган. Серғайрат отахон боғ юмушларидан ортиб, томорқадаги икки сотих ерда ташкил этилган иссиқхонада ҳам ўзи меҳнат қилади. Иссиқхонада парваришланган лимон бу йил жуда серҳосил бўлиб, пешма-пеш Қувасой ва Фарғона шаҳри бо-

зорларида харидорларга етказиб берилмоқда. — Аслида мен ҳаётдан завқ олиш учун меҳнат қиламан. Шу боис бир-биридан чиройли, худди олтиндек товланиб турган лимон ҳосилини йигиб олаётганда барча чарчоқларим унутилади, — дейди файзли хонадон соҳиби. — Шу йилнинг ўтган даврида доимий мижозларимизга 15 миллион сўмликдан ортиқ лимон етказиб бердик. Ҳосилнинг қолган қисmini янги йил совғаси сифатида бозорда сотиш

учун тайёрлаб қўйганмиз. Бу ишда оиламизга қўни-қўшнилар ёрдам беришади. “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Дилшод Сиддиқовнинг маълум қилишича, лимончилик ва қулупнайчилик маҳалла драйверига айланган. Маҳалладаги 729 та хонадоннинг 250 тасида иссиқхоналар ташкил этилган ва бир йилда томорқадан уч-тўрт маротаба ҳосил олинади.

Б.МАДИЁРОВ.

Маҳаллий ҳокимликларнинг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари

Барчамизга маълум Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш мақсадида мамлакатимизнинг барча рудудларида тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги УРҚ-611-сонли қонунининг мазмун ва моҳиятини кенг жаморатчиликка тушунтиришда шаҳар ва туман ҳокимликларнинг ўрни каттадир.

Шаҳар ва туман ҳокимликларнинг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат? Мазкур қонуннинг 16-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузади, маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларида доимий яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда ушбу пунктларнинг тўлиқ рўйхати тузилишини, маъмурий-ҳудудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва хонадонларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлаши, жалб этилган рўйхатга олувчи ходимлар таркибини тасдиқлаши, рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этиши, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доирасидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яроқли мебел ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинчалик хоналар, шунингдек зарур транспорт воситалари берилишини таъминлаш, рўйхатга олиш варақларини ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларини вақтинча сақлаш учун қўриқланадиган хоналар ажратиш юзасидан чоралар кўриш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этиши каби ваколатларига эгадир.

Қувватбек Содиқов Қувасой шаҳар статистикаси бўлими бошлиғи

ЭЪЛОН

Қувасой шаҳар ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари раҳбар ва ҳисобчилари диққатига !!!

Сизлардан корхонангиз фаолияти тўғрисидаги ойлик 12 корхона шакли ҳамда 12 молия шакли ҳисоботи ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисидаги 1 fx shakli ҳамда корхона ва ташкилотлар учун 1 кб йиллик ҳисоботларини 27-феврал санасидан кечиктирмай қиёсийлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаган ҳолда интернет тармоғидан фойдаланиб Estat.4. дастури орқали тақдим этишинизни ЭСЛАТИБ УТАМИЗ

Маълумот учун телефонлар (73) 372 02 32

Қувасой шаҳар статистика бўлими



МИННАТДОРЧИЛИК

Республика тез-тиббий ёрдам Фарғона ҳудудий филиали Қувасой шаҳар бўлими 1987 йилдан буён аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келади. Бўлимга 7 та “Дамас” русумли автоулов берилган. Буларнинг 3 таси шаҳар учун, 4 таси кишлоқ ҳудудлари учун ажратилган. Бўлимда еттита гуруҳ фаолият олиб боради.

Шаҳар «Тез тиббий ёрдам» бўлимига 1994 йилда Андижон Давлат Тиббиёт олийгоҳини тамомлаган ҳамшаҳримиз Артиқов Улуғбек Азимович раҳбарлик қилади. Бу инсон шифокорлар оиласининг фарзанди, ўз ишининг мутахассиси.

Жамоада ходимларни кўнглига йўл

топа олади, шаҳарда яхши обрў эътиборга эга, юксак маданиятли, хушмуомала раҳбар.

Инсон саломатлиги йўлида хормай-толмай хизмат қилади. Беморларга ширин гапириб, уларнинг қандай дардга гирифтор бўлганини сўраб, тўғри ташхис қўйиб касалликларни олдини олиб даволайди.

Тез-тиббий ёрдам бўлимида шифокорлардан Шаҳрибону Тоирова, Шохжаҳон Ҳабибуллаев, Ифтихор Қўчқоров, фельдшер ва ҳамширалардан Ҳолисон Усмонжонова, Муҳаммаджон Эдилбоев, Билолиддин Икромов, Мавжуда Азимова, Дилдора Ҳакимова, Раҳмонали

Салимов, Сожидахон Қосимовалар меҳнат қилиб келмоқда.

Тез тиббий ёрдам бўлимига хонадонлардаги беморга биринчи ёрдам кўрсатиш лозим бўлса, бир нафар врач ҳамда 2 нафар ҳамшира ёрдамга ошиқади. Қувасой шаҳар аҳолиси тез-тиббий ёрдам бўлими ходимларидан жуда миннатдор. Улар ўзларининг ташаккурларини изҳор этишади.

Эп саломатлиги - юрт бойлигидир. Албатта, ишни яхши йўлга қўйган, вақтида кўнгирокларга жавоб бериб, хонадондаги беморлар ҳолидан хабар олиб, улар учун керакли муолажаларни бажарган, **Гело-крат** қасамёдига содиқ, эғнига оқ халат илган, унга доғ тушурмаслик учун хизмат қилаётган, фидойи, жонкуяр ходимларга раҳбарлик қилаётган раҳбар Артиқов Улуғбек Азимовичнинг бу борада ҳиссаси катта. Раҳмат, Сизларга шифокорлар!

Розахон АРИПОВА,
Қувасой шаҳар Автомобилчи- 2 уй.



БОТУЛИЗМ КАСАЛЛИГИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!



Ботулизм – овқатдан заҳарланишлар ичида оғир кечадиган касаллиқдир. Бу касаллик ботулизм таёқчалари билан зарарланган овқат истеъмол қилинганда вуҷудга келади ва марказий асаб тизимини шикастланиши билан кечади. Ботулизм таёқчалари табиатда кенг тарқалган бўлиб, туپроқ, сув, ҳайвон, балиқлар ичагида учрайди ва қобик ичида йиллар давомида сақланади. Кислородсиз ва қулай шароитда кўпаяди ҳамда инсон учун хавфли бўлган заҳар ишлаб чиқаради.

ЗАҲАРЛАНИШ БЕЛГИЛАРИ:

- Одамнинг боши оғрийди;
- Кўнгли айниб, қусаяди;
- Оғзи қурийди;
- Кўз олди қоронғилашиб, нарсалар қўшалок бўлиб кўринади;
- Кўз қорачиғи кенгайди;
- Нўтки бузилади (афозия);
- Нафас олиши қийинлашади;
- Ютиниши қийинлашади;
- Юраги тўхтаб қолаётгандек туюлади;
- Қорин дам бўлиб, ич қотади.

БОТУЛИЗМГА ЧАЛИНМАСЛИК УЧУН ҲАР БИР ИНСОН КЎЙИДАГИЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШИ КЕРАК:

- Уй шароитида консерва тайёрлаш жараёнида ҳар бир инсон санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиши керак;
- Консерва маҳсулотларини тайёрлашда (сабзавот-мева, қўзиқорин ва қўкатларни) сифатига аҳамият бериш керак;
- Сабзавот-мевалар туپроқ билан ифлосланиши мумкин, шу боис уларни оқар сува, сўнг қайнатилган сувада яхшилаб ювиш керак;
- Маҳсулотларни юкори ҳарорат остида 20 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида қайнатиш керак;
- Нордон бўлмаган (бодринг, яшил нўхат) маҳсулотларидан консерва тайёрлашда уларга сирка кислотаси қўшилиш унутманг;
- Консерва маҳсулотларини қоронғи ва салқин жойда сақланг;
- Уй-шароитида консерва тайёрламаслик энг маъқул йўл.

Э.ЭРДОНОВ,
Қувасой шаҳар ФВБ
Тезкор бўлима бошлиғи капитан.
С.ИСКАНДАРОВА, А.ХУСАНОВ,
Қувасой шаҳар СЭО ва ЖСБ мутахассислари.



ТАБИЙ ГАЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

Табиий газ бойликлари кашф этилиб кўп йиллардан буён инсоният учун фойдали унсур сифатида қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда хоҳ саноатда, хоҳ кишлоқ-хўжалигида, хоҳ аҳоли турар жойларида бўлсин бирор кунни табиий газсиз тасаввур этиш қийин. Газ инсониятга фойда келтириш билан бирга ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида хавф манбаига айланиб қолиши ҳам мумкин.

Мисол тариқасида шуни айтиб ўтишим жоизки 2022 йилнинг 5 ноябрь куни Қувасой шаҳар Полмон МФИ «Дала» кўчаси 19-уйда яшовчи ҳали хануз балоғат ёшига етмаган ота-она, оила, атроф-оламни танимаган норасида 2022 йилда дунёга келган гудакнинг нохуш бу ёруғ оламини тарқ этиши ҳамманинг ҳам ичини тирнайди. Ушбу кўнгилсиз ходисанинг асосий сабаби, яшаш уйининг газ печкасини носозлиги, мўриконининг устки қисмини хонадон эгалари томонидан гишт билан тўсиб қўйилганлиги, печ атрофи таъмирталаб ҳолатга келганлиги ва ушбу печ атрофидан инсон қотили заҳарли ис газининг чиқиши натижа-сида ушбу муҳиш ҳодисанинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Шундай экан, ҳурматли шахримиз аҳолиси фуқаролари ушбу аянчли ҳодисалар (ис газидан заҳарланиш, ёнғинлар, турли хилдаги фавқулодда ҳолатлар)ни олдини олиш учун барчамиз бир тан-у бир жон бўлиб ҳаракат қилсак мақсадга эришган бўламиз.

Юқоридаги ҳолатга йўл қўймаслик мақсадида Қувасой шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари, шаҳар ҳудудида олиб борила-

ётган янги қурилишларда иш олиб боришаётган фуқаролар билан ёнгин хавфсизлиги, ис газидан заҳарланиш, газ-ҳаво аралашмасининг қақнаши каби офатларни олдини олиш ҳамда хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида профилактик тарғибот ишлари ўтказилмоқда. Ўтказилаётган профилактик тадбирлар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолатларда уй эгалари томонидан печкаларни ёки қаровсиз қолдиришлари, газ тармоқларида резина шлангларидан фойдаланиш, газ босими пастигини сабаб қилиб газ ҳисоблагич ўрнига резина шланг ўрнатиб олиб газ сўргичлар орқали табиий газдан фойдаланиш, иситиш печаларини мутассадди ташкилотлар рухсатисиз ўзбошимчалик билан қуриб олиш ва фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Бундан ташқари шаҳар ҳудудида янги қурилиш ишлари олиб борилаётган объектларда туну-кун хизмат қилиб келаётган ишчилар ҳам ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлари бўйича йўриқномадан ўтказилиб, Шаҳар-созлик қурилиш меъёри қоидалари асосида тавсия ва кўрсатмалар берилиб огоҳликка чорламоқдамиз.

Давронжон ИБРОҲИМОВ,
Қувасой шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими Профилактика ва Назорат бўлинмаси катта инспектори катта лейтенант.

ISFAYRAM

Ijtimoiy-siyosiy,
adabiy-badiiy,
ma'naviy-ma'rifiy gazeta

МУАССИС:

Quvasoy shahar
hokimligi

Bosh muharrir:

O'g'iloy KARIMOVA

Gazeta 2007 yil 9 yanvarda
Farg'ona viloyat
Matbuot va axborot
boshqarmasida 12-007 raqam
bilan ro'yhatdan o'tgan.

JAMOATCHILIK KENGASHI:

Alisher Mamajonov
Mo' ysinjon Mehmonov
Diloromxon Mehmonova
Nigoraxon Ubaydullaeva
A'zamjon Qosimov
Eldor Kuziev
Nuriddin Xojimaxsudov

TAHRIRIYAT MANZILI:

150900. Quvasoy shahar,
A.Navoiy ko'chasi 72-uy.
Tel: (99) 993-09- 95;
(99) 442-00-84; (73) 372-09-91.

Nashr bichimi: A-2.

Tiraj: 900
Buyurtma raqami:

NAVATCHI:

Go'zalxon MURODOVA.
Reklama, e'lon, tabrik va boshqa
bildiruvlar obunachilar uchun
bepul chop etiladi.

SAHIFALOVCHI:

Arabjon Masharipov

Gazetaning sifatli chop etilishi
uchun bosmaxona mas'uldir

Marg' ilon shahar

«Poligraf-press» MCHJ
bosmaxonasida ofset
usulida chop etildi.
Korxona manzili:
151100. Marg' ilon shahar

Bosishga topshirish vaqti: 17.00
Topshirildi: 18.00